



# MILLIY TIKLANISH

50 (267) ● 2013 йил 18 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Бугунги ёш авлод қалбида миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат туйғусини уйғотиш, уларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади

4

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



«Обод турмуш йили»да Н.Қаҳҳорова мавжуд имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, Жондор тумани марказида «Ўзбегим атлас ва адраслари» савдо дўконини очди

5

МАЪНАВИЯТ



Францияда 260 мингдан ортиқ электоратга эга бўлган Халқ ҳаракати иттифоқининг нуфузи катта. Бу, аввало, партия томонидан илгари сурилган ғоя ва мақсадлар электорат манфаатларига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир

7

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**Хабарлар**

**Истеъдодли ёшлар фестивали**

Навоий шаҳрида "Камалак юдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ҳамда Навоий вилоятларидан 6-14 ёшли 332 нафар иқтидор эгаси 6 йўналишда ўз маҳоратини намойиш этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, ўғил-қизларимизнинг қизиқиши ва интилишини қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, турли кўрик-танловларнинг ташкил этилиши янги-янги ёш истеъдод эгаларини кашф этиш имконини бермоқда. "Камалак юдузлари" болалар ижодиёти фестивали ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир. Тадбирда ҳар бир йўналиш бўйича голиблар аниқланди.

**Соҳа янада такомиллашди**

Миллий матбуот марказида аҳолини сифатли ва юқори самарадорликка эга, безарар, шу билан бирга арзон дори воситалари билан таъминлаш масаласига қаратилган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тарқатган маълумотларга кўра, бугунги кунда республикада мавжуд 139 та фармацевтика корхоналари томонидан 1300 дан ортиқ дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Дунёнинг 20 дан зиёд мамлакатига маҳаллий корхоналарнинг тиббий ва фармацевтик маҳсулотлари экспорт қилинапти. Айниқса, сўнгги йилларда маҳаллий ўсимлик ҳомашёлари асосида тайёрланаётган ўттизга яқин дори воситалари ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради. Уларни тайёрлашда Тошкент фармацевтика ва бошқа илмий-тадқиқот институтларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

**Сайловлар юксак савияда ўтди**

Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови Қорақалпоғистон Республикасида ҳам юқори савияда ўтказилди.

Муқобиллик, тенглик ва демократия тамойиллари асосида бўлиб ўтган сайловларда 401 фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг 3 минг олти юздан ортиқ маслаҳатчиси сайланди. Фуқаролар йиғини раиси лавозимига ишчи гуруҳлари томонидан 1 минг 208 нафар номзод тавсия этилди. 21 фуқаролар йиғинида сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди.

— Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шароит ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда оксоқол сайлаш учун яратилган имконият ўз самарасини берди, - дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Хўжабой Елмуратов. — Янги тахрирдаги қонунга мувофиқ ўтказилган сайловда сайланган фуқаролар йиғини раисларининг 44 нафарини аёллар ва аксарият катта қисмини 50 ёшга ча бўлган фуқаролар ташкил этаётгани ҳам буни исботлайди.

**Ўқув-семинар**



**Партия фаолияти самарадорлиги**

кадрлар салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони томонидан ўтказилаётган "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришда кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги беш кунлик ўқув-семинарнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Семинарнинг бу галги иштирокчилари бўлган ЎзМТДП Бухоро, Жиззах, Сирдарё вилоят ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари вакиллари ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, тажриба ва малакаларини оширишга эришдилар.*

Ўқув-семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди. — Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали

маросимдаги маърузаси ҳар бир юрдошимизни фаолликка ундагани шубҳасиз. Маърузада сиёсий партиялар фаолиятини янги босқичга кўтариш, уларнинг мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнлари-

даги ўрни ва ролини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада эътироф этилган фикр-мулоҳазалар, ўз навбатида, ЎзМТДП фаолиятини янги поғонага кўтариш ва партиявий мақсад-вазифаларимизни тубдан ислоҳ қилишни тақозо қилади. Айниқса, 2014 йилда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларда партияимизнинг нуносиб иштироки фаолиятимиз самараси сифатида кўзга ташланади. Шундай экан, барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш, улар фаолиятини янги босқичга кўтаришга эътибор қаратмоғимиз лозим.

2-бет

**Муносабат**

**Ватанни обод этиш туйғуси**

бугунги кун ёшлари қалбида буй кўрсатаётир

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, энг аввало, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда унинг фаровонлигини таъминлашга йўналтирилмоқда. Ушбу ислоҳотлар самарасини шахару-қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгартириб, аҳолининг турмуш даражаси ва сифати ошиб бораётганида яққол кўришимиз мумкин. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар таҳлил этилди.*

Таъкидланганидек, мамлакатимизда узоқни кўзлаб олиб борилган оқилона сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самараси натижасида, аввало, ҳуқуқий демократик жамият шаклланди, халқнинг турмуш даражаси ошди, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб, бутун дунё тан олмақда.

Тантанали маросимда 2014 йилнинг мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши нафақат халқимиз, кенг жамоатчилик, шу билан бирга инсонни инсон қилиб камол топтирувчи, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдирувчи ўқитувчи ва мураббийлар, таълим соҳаси фидойилари томони-

дан ҳам мамнуният билан қарши олинди.

Таъкидлаш жоизки, мустакимий-иқтисодий ислоҳотларнинг самараси натижасида, аввало, ҳуқуқий демократик жамият шаклланди, халқнинг турмуш даражаси ошди, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб, бутун дунё тан олмақда.

2-бет

**Ташаббус ва натижа**

**Маданий мерос объектларининг муҳофаза этилиши ва улардан фойдаланиш**

масаласи ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан Жиззах вилоят Кенгаши сессиясига киритилди

*Мамлакатимизнинг маданий ёдгорликлари, муқаддас қадимжоларини муҳофаза қилиш, тарихий иншоотлар ва меъморий ёдгорликларини сақлаш ҳамда ёш авлоднинг миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий вазифаларидан саналади. Бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш партия депутатлик гуруҳи зиммасига улкан масъулият юклайди.*

Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни, бошқа қатор ҳужжатлар мамлакатимизда тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодларга етказиш чораларини кўриш ва ёдгорликларнинг давлат муҳофазасини таъминлашда муҳим меъёрий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Жиззах вилоятида ҳам маданий манзиллар, тарихий масканлар ва муқаддас зиёратгоҳлар талайгина. Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улар-

дан фойдаланиш Давлат инспекцияси томонидан берилган маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятда жами 372 та маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, шундан 42 тасини тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 тасини археологик манзилгоҳлар ташкил этса, қолган 63 таси монументал ёдгорликлардан иборат. Уларнинг энг қадимийси милoddан аввалги IV асрга бориб тақалишининг ўзи воҳанинг анчайин қадимий замин эканлигини далил беради.


3-бет

**Диққат, обуна!**  
 «Milliy tiklanish» газетасига 2014 йил учун обуна бўлишни унутманг. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.  
**Индекс: 158**



**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**

Нашр кўрсаткичи — 158



# Ватанни обод этиш туйғуси

Бугунги кун ёшлари қалбида буй кўрсатаётир

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, баркамол, салоҳиятли авлоднинг тарбиялаш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб миллий таълим тизимини ифода этган ва таълимнинг ўзбек моделига хос, узокни кўзлаган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга киритилди. Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш натижасида «ўрта-махсус касб-хунар таълими» деб аталган ноёб тизим шаклланди ва уни ўз ичига олган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш ишлари якунланди.

Эътироф этиш керак, кейинги йилларда мамлакатимизда 9763 та умумтаълим мактаби, 300 дан зиёд мусика ва санъат мактаби, 143 та академик лицей, 1500 дан зиёд касб-хунар коллежи, 59 та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди ҳамда уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамланди. Бу эса, ўз навбатида, таълим соҳасидаги ислохотларнинг миқёси ва кўлами нақадар улкан эканидан далолат беради. Шунингдек, ҳозирда энг замонавий кўринишда қуриб битказилаётган кўплаб спорт мажмуалари ёшларни маънан етук, жисмонан бакуват қилиб вояга етказишда ҳамда уларнинг спорт

билан шуғулланишларини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай ғамхўрликлар ёшларимизнинг ҳаёт тарзида, таълим тарбиясида, меҳнат фаолиятида ўз аксини топмоқда. Келгуси йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши бу каби ислохотларнинг изчил ва мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин.

«Соғлом бола йили»да таълим-тарбия ҳамда спортнинг ўрни ва таъсири янада кучайтириш, айниқса, мактабгача таълим муассасалари тизимини кенгайтириш ва уларни педагог мураббийлар билан таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ҳамда сиёсий фракцияларнинг роли тобора кучайиб бораётган айни пайтда соғлом авлод камолоти йўлидаги янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, «фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур» деган ҳикматли ибора бугун мамлакатимизда ўз ижобатини топмоқда. Ёшларда ўзига ишонч, эртанги кунга умид, мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга дахлдорлик ҳисси пайдо бўлмоқда. Энг муҳими, улар қалбида шу ватан меники, шу ватанни обод этиш менинг вазифам деган туйғу буй кўрсатаётир.

**Абдуғафур МАМАТОВ,**  
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

\* \* \*

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили янги йилга ном берилишини юртдошларимиз катта ҳаяжон билан қарши олади. Бойси, йил қандай ном билан аталмасин, унда халқимиз, оила аъзоларимиз, фарзандларимиз манфаатлари мужассам бўлади. Қириб келаётган янги 2014 йилга «Соғлом бола йили» деб ном берилиши ҳам ўзбек аёли сифатида қалбимни ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Дарҳақиқат, аёл болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон бўлсагина бахтли бўлади, оиласи тинч, рўзғори фаровон, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса, ҳаётдан рози бўлади. Бугун мамлакатимизда аёллар учун яратилган имкониятлар ҳақиқий аёллик бахтини бекаму-кўст ҳис этишимизга замин яратмоқда. Биргина жорий йилда аёлларни оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначиликка кенг жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 117 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағларининг ажратилгани аёлларнинг оиласи фаровонлигини таъминлаш ва ҳаётдан муносиб ўрин топишларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ватанимиз учун асрларга тенг бўлган ўзғариш ва янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари халқимизнинг азму шижоати, фидокорона

меҳнати билан йил сайин янги босқичга кўтарилмоқда. Бунини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барқарор ўсиш суръатларида, аҳоли фаровонлигининг изчил ошиб бораётганида, шаҳару қишлоқларимиз замонавий қиёфа касб этаётганида кўриш мумкин. Энг асосийси, бунёдкорлик ва янгиланишлар жараёнида хотин-қизларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги қувонарли. Хотин-қизларнинг жамиятнинг модернизация қилиш ва янгиллаш, маънавий кадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб боришни дастурий мақсад ва вазифалари сирасига киритган ЎзМТДП, унинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам 2014 йилда бу йўналишда амалга оширилажак саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшишга интилади. «Соғлом бола йили» муносабати билан қабул қилинадиган давлат дастуридаги устувор вазифалар фаолиятимизда дастурийлашма бўлажак.

**Шоҳида АРМПОВА,**  
**халқ депутатлари Термиз шаҳар**  
**Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган**  
**депутат**

# Янги нашрлар тақдимоти

Темурийлар тарихи давлат музейида Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институтининг 2008-2013 йиллардаги илмий нашрлари тақдимоти бўлиб ўтди

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори Б.Абдуҳалимов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат, Фанлар академияси Тарих институти директори Р.Абдуллаев, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н.Ҳабибуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий, маънавий кадриятларни қайта тиклаш бўйича изчил амалга оширилаётган ишлар жараёнида тарихимизни ҳолис ва чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз номини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Марказий Осиё азалдан жаҳоннинг муҳим илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлиб келган. Минтақа ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўли жаҳон тарихи ва маданият тараққиётида муҳим ўрин тутган. Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институти Марказий Осиё мамлакатлари ва унинг атрофидаги минтақаларнинг бой маданий меросини ўрганадиган илмий марказлардан биридир.*

Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институтига ЮНЕСКО шафелигида 1995 йили Самарқанд шаҳрида асос солинган. Институт фаолияти жаҳон ҳамжамияти эътиборини Марказий Осиёни тарихий-маданий ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишга жалб этиш ва илмий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган. Шу билан бирга, минтақани тарихий-маданий меросини ўрганиш бўйича илмий конференция ва семинарлар ўтказиш, илмий нашрлар чоп этишни йўлга қўйиш ҳам унинг фаолияти соҳасига қиради.

— Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институти минтақа халқларининг гуманитар-тарихий меросини ўрганиш бўйича муҳим мувофиқлаштирувчи марказдир, дейди институт директори Ш.Мустафоев. — Институтнинг айнан Самарқандда жойлашгани ҳам бежиз эмас. Бу Самарқанднинг азалдан бутун Осиё, жумладан, Буюк ипак йўлидаги тарихий ва маданий марказ эканининг эътирофидир. Бугун тақдим этилган китобларнинг аксарияти Шарқ ва Фарбни боғлаш ушбу қадимий йўл ҳудудида яшаган халқлар тарихига бағишланган.

**Бобур ОБИДОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

Ўтган вақт мобайнида Марказий Осиё минтақаси тарихи ва маданиятини ҳар томонлама ўрганиш билан боғлиқ ўн бешга яқин кенг кўламли халқаро илмий лойиҳа амалга оширилган. Уларнинг натижалари эллиқдан зиёд нашрда эълон қилинган. Бундан ташқари, «Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институти ахборотномаси» илмий нашри ҳам мунтазам чоп этилаётир.

Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институти томонидан ташкил этилган ўн саккиздан зиёд назарий семинар, халқаро ва минтақавий илмий конференцияларда Марказий Осиёдан, шунингдек, Франция, Германия, Голландия, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея, Эрон, Покистон, Озарбайжон ва бошқа давлатлардан олимлар иштирок этди.

Тадбирда Самарқанд тарих, санъат ва археология давлат музейи фондларининг Марказий Осиё тарихи бўйича ҳужжатлари каталоги, «Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиёнинг машҳур археологик ёдгорликлари», «Сўзана: Марказий Осиёнинг анъанавий каштаси», тўрт жилди «IX-XIV асрларда Марказий Осиё ва Озарбайжон бадиий маданияти» каби муҳим нашрлар тақдим этилди.

## Ўқув-семинар



# Партия фаолияти самарадорлиги

кадрлар салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан депутатлик бирлашмалари фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани, ўз навбатида, ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни тақозо қилади. Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари маҳаллий кенгаш сессияларига ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари томонидан партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қатор ташаббус-масалалар олиб чиқилмоқда. Мазкур ташаббуслар асосида қабул қилинаётган қарорлар ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, - деди партия етакчиси.

Партия раҳбари Президентимиз маърузасида эътироф этилган иқтисодий ўсиш суръатлари ва кўрсаткичлар, бу йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар келиб чиққан ҳолда ЎзМТДПнинг иқтисодий йўналишлари мақсад-вазифаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўқув давомида семинар иштирокчиларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, олимлар ва мутахассислар томонидан партия дастурий мақсад ва голярига ҳамоҳанг бўлган қатор мавзуларда маърузалар тақдим этилди. Жумладан, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг сиёсий партиялар фаолигини оширишдаги ўрни, партияда жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлашнинг долзарб вазифалари, сайлов қончилиги ва сайлов жараёнларида ЎзМТДПнинг иштироки, миллий маънавий ривожига «оммавий маданият» таҳдидлари, сиёсий фаолиятда имидж масаласи каби йўналишлардаги маърузалар семинар иштирокчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришга, партиявий фаолиятдаги иш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўқув-семинар машғулотлари якунланиб, иштирокчиларга ЎзМТДПнинг сертификатлари топширилди.

*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси «Аёллар қаноти» томонидан эълон қилинган «Ўзбекистон — Ватаним менинг!» ишори остидаги ёш рассомлар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, «Аёллар қаноти» етакчилари, Республика рассомчилик коллежи жамоаси, таниқли ва ёш мусаввирлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Олтиной Эсонова кириш сўзи билан очди.

— Давлат рамзларини умуммиллий ғурур ва ифтихор тимсоли сифатида улуғлаш ва ардоқлашни ҳар томонлама тарбиялаш партияимиз дастурий мақсадларидан саналади, - деди нотик. — Бугунги кўрик-танлов ёшларда ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини уйғотиш, уларнинг иқтидор ва истеъдодини намоён этишла-

**Даврон САФАРОВ,**  
**ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши**  
**Ижроия Кўмитаси девони раҳбари:**  
— Ўқув-семинар машғулотлари малакали мутахассислар жалб этилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Шу билан бирга маърузалар энг сўнгги манбаларга таянган ҳолда тайёрлангани, айниқса, Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, унда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ёндашилгани янада эътиборлидир.

**Тўймурод ЁКУБОВ,**  
**ЎзМТДП Вобкент туман Кенгаши**  
**Ижроия Кўмитаси раиси:**  
— Ўқув-семинар сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-мафкуравий билимларимизнинг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, келгуси йилда бўлиб ўтадиган сайловлар жараёнида эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар, унгача бўлган фаолиятимиз йўналишлари белгилаб берилганлиги сайловларда муносиб иштирок этишимизда муҳим ўрин тутди.

**Камола ТОШПЎЛАТОВА,**  
**ЎзМТДП Ёшлик талабалар шаҳарчаси**  
**Кенгаши Ижроия Кўмитаси**  
**раиси Уринбосари:**  
— Ўқув-семинар сиёсий билим ва кўникмаларимизни ошириш баробарида сиёсий нутқ маданияти, сиёсий имидж масалаларида ҳам тасаввурларимизни кенгайтирди. Шунингдек, партия гоё ва мақсадлари тарғиботида турли усул ва воситалардан фойдаланиш, тадбирлар ташкил этишда замонавий ҳамда ноанъанавий услубларни қўллаш борасида ҳам тушунтиришлар берилганлиги фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда олган билим ва орттирган тажрибаларимизни кейинги фаолиятимизда кенг қўллаган ҳолда ЎзМТДПнинг макени янада оширишга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз.

**Убайдулла НИЗОМОВ,**  
**ЎзМТДП Пахтакор туман Кенгаши**  
**Ижроия Кўмитаси раиси:**  
— Сиёсий партиялар фаолиятида бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари энг асосий куч ҳисоблана-

ди. Уларнинг фаол бирлашувини таъминлашда мазкур ўқув-семинарнинг аҳамияти беқиёс. Айниқса, партия куйи бўғинлари билан ишлаш борасидаги маъруза фаолиятимизда янги ёндашувларни амалга оширишимизда туртки бўлади. Зеро, партия нуфузини юксалтириш вазифаси куйи бўғинлар фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этади.

**Рухшона ХУДОЁРОВА,**  
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия**  
**Кўмитаси девони етакчи**  
**мутахассиси:**

— Партия тизимида энди фаолият бошлаган янги ходимлар учун ушбу ўқувлар самараси янада яқоқ кўзга ташланади. Партия тизимида яқинда фаолият бошлаганим боис бу йўналишда ҳақиқий тажриба ва кўникмаларимни ошириб, сиёсий-ҳуқуқий билимларимни юксалтиришим лозим. Шу жиҳатдан мазкур ўқув-семинар мен учун катта тажриба мактабини ўтади, десам муболаға бўлмайд.

**Рустам НУРМАТОВ,**  
**ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши**  
**Ижроия Кўмитаси девони**  
**«Ёшлар қаноти» етакчи**  
**мутахассиси:**

— Партия «Ёшлар қаноти» фаолларининг етакчилиги қобилиятини шакллантириш, ЎзМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, устувор мақсадлар йўлида ёшларни бирлаштириш, сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш борасида тарғибот тадбирлари муҳим ўрин тутди. Бунда маънавий-маърифий тадбирлар сони эмас, балки уларнинг сифатини ошириш мақсадаги мувофиқдир. Айни пайтда Жиззах вилоятидаги 11000 нафардан ортиқ партия аъзоларининг 6 минг нафардан зиёдини ёшлар ташкил этади. Улар билан биргаликда юзлаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Мазкур беш кунлик ўқув машғулоти бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтаришимизда муҳим аҳамият касб этади. Бойси, семинарда айнан ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштиришда ёшлар билан ишлашнинг замонавий услублари борасида ҳам маърузалар тинглади.

**Мухтарама КОМИЛОВА,**  
**«Milliy tiklanish» мухбири**

## Аёллар қаноти

# «Ўзбекистон — Ватаним менинг!»

ЎзМТДП томонидан ташкил этилган ёш рассомлар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди

рига шароит ва имконият яратиш бериш мақсадида ташкил этилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бўлим бошлиғи Ҳанифа Зокирова сўзга чиқиб, куйидагиларни таъкидлаб ўтди:

— Бугун ЎзМТДП сафига 175 минг нафардан ортиқ аъзо бирлашган бўлиб, уларнинг 48 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этади. Миллий анъана ва кадриятларни тарғиб этиш ҳамда аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида партияимиз томонидан қатор амалий тадбирлар ташкил этилмоқда. Жойларда ўтказилаётган кўрик-танлов, кўрғазма, учрашув, мулоқот ва давра суҳбатлар орқали партияимиз хайрихоҳлари сафи кенгайиб бормоқда. Бош Қомусимиз тарғиботида қаратилган ёш мусаввирлар кўрик-танлови ҳам кўплаб истеъдод эгаларининг

кашф этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танлов якунида голиб ва совриндорлар ЎзМТДП Марказий Кенгашининг диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

**Ортиқали ҚОЗОҚОВ,**  
**Ўзбекистон халқ рассоми,**  
**ЎзМТДП Марказий**  
**Кенгаши аъзоси:**

— Мусаввир нигоҳи билан қараганда Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси, одамлари, табиатининг ўзи бир олам. Уни ёрқин бўёқларда акс эттириш, Ватан мадҳига монанд тасвир яратиш ҳар бир рассомнинг улкан мақсади саналади. Бугунги танлов иштирокчиларининг ижод намуналари билан таниш туриб, Ватанимизнинг мурфак диллардаги инъикосини ҳис қилдим. Бу асарларнинг ҳар бири голибликка муносиб. Ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришга қаратил-

**Солиха АҲМЕДХОНОВА,**  
**танлов голиби:**

— Танловда қатнашаётган тенгдошларимнинг ижодий ишларини кўриб, ҳайратга тушдим. Улардаги теран фикр, тақдорланмас тасвир ҳар бир томошабинда катта таассурот уйғотиши шубҳасиз. Танлов орқали тенгдошларим билан фикр ва тажриба алмашиш имконига эга бўлдим. Миллий кадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва уларни ёш авлодга ўз ҳолича етказиш борасида амалга ошириб келаётган ЎзМТДПнинг бу каби танловлари биз ёшларни фаолликка ундамоқда.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**  
**«Milliy tiklanish» мухбири**

## Тинч ва фаровон ҳаётимиз кафолати

худудий Кенгашларда Конституция кунига бағишланган тадбирлар давом этмоқда

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Ангрен шаҳар Кенгаши томонидан “Конституция — юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигининг кафолатидир” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия шаҳар Кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, шаҳар ҳокимияти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Конституциямиз халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, ўзга миллат ва элларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш сингаги эзгу фазилатларга асосланган, - деди тадбирда сўз олган халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат И.Раҳмонов. — Асосий Қонуни миз истиқлол йилларида халқчил Қомус сифатида барча соҳаларда кенг имкониятлар эшигини очди. Унинг мазмун-моҳиятини ёш авлод вакиллари ўртасида кенг тарғиб қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб этиш партияимизнинг барча бўғинида фаолият юритаётган ходимлардан алоҳида масъулият ва фалонлики талаб этади.

Тадбирда фуқароларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан хабардор этиш, уларни Асосий Қонунимиз моддаларига қиритилган ўзгартиш ва кўшимчаларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш, жамиятда ҳуқуқий саводхонлиқни оширишда бундай тадбирлар муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

### ФАРҒОНА

Партия Фарғона вилоят ҳамда Тошлоқ туман Кенгаши ҳамкорлигида “Конституция — бахтимиз пойдевори” ширин остида белбоғли кураш бўйича “Миллий тикланиш кубоғи” ўтказилди. Унда партия вилоят ва Тошлоқ туман Кенгаши фаоллари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Республика Маънавият тарғибот маркази, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, “Соғлом авлод” жағфармаси, “Камолот” ЁИХ туман бўлими ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, қомил инсонни вояга етказиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбиди миллий гуруҳ уйғотиш, келажагимиз эгаларини замонавий билим, касб-хунар ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади, - деди партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Музаффар Қосимов. — Миллий спорт турлари бўйича ташкил этилаётган бундай мусобақалар ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг жисмонан ва маънан соғлом вояга етиб, келажақда муносиб авлод бўлиб камол топишларида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир давомида белбоғли кураш бўйича ёшлар ўртасида мусобақа ташкил этилди. Фолибларга партия вилоят ва туман Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

### САМАРҚАНД

— Мустиқлик йилларида Конституциямиз юксак ҳуқуқий ва олий юридик ҳужжат сифатида мамлакатимиз тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт тинчлигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда, - деди ЎзМТДП Самарқанд шаҳар Кенгаши томонидан “Конституциямиз — миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асосидир” мавзусида ташкил этилган тадбирда сўз олган партия Самарқанд шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Д.Вастаева. — Миллий қадрият ва аъёнларини, халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган энг яхши жиҳатларини ўзида акс эттирган Бош Қомусимиз том маънода бугунги кунимиз ҳамда келажагимизнинг ҳуқуқий пойдевориغا айланди. Урни келганда таъкидлаш лозимки, партия шаҳар Кенгаши ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, Бош Қомусимиз ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида турли тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказишга эътибор қаратиб келмоқда.

Дарҳақиқат, Бош Қомусимиз халқ манфаатларига мос равишда жамият ривожланишининг ҳуқуқий асосларини вужудга келтирди. Инсон ҳуқуқлари, барқарорлик ва ҳар бир оила учун муносиб ҳаётни ҳамда барча фуқаролар учун ишончли келажақни кафолатламоқда.

Тадбирда партия вилоят, шаҳар Кенгашлари Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

### ҚАШҚАДАР

ЎзМТДП Чирочқи туман Кенгаши томонидан “Конституция — бахтимиз қомуси” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, “Камолот” ЁИХ туман Кенгаши ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Бугун мамлакатимиз эришаётган юксак марралар ва ютуқлар замирида Конституция ва қонунларнинг устуворлиги муҳим ҳиссам, - деди тадбирни қириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси М.Келдиев. — Конституция ва қонунлар устувор бўлган мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади, тинч ва фаровон ҳаёт ҳукм суради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат рамзларини умуммиллий гуруҳ ва ифтихор тимсолари сифатида улуглаш ҳамда ардоқлашни ҳар томонлама тарғиб қилишга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади. Бугунги тадбир айна шу дастурий мақсадлар рўёбига қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидланганидек, Асосий Қонунимиз мазмун-моҳияти ўқув муассасалари ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиниши ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигининг ошишига, шунинг баробарида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ийгилиш якунида иштирокчилар томонидан Конституциянинг аҳамияти борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда берилган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## Маҳалла оқсоқоллари сайлови

унда халқ депутатлари Зангиота туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат номзоди илгари сурилиб, маҳалла оқсоқоллигига сайланди

**Инсоннинг ҳаётини тушунишлари — меҳр-оқибат, аҳлилик, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, катталарга ҳурмат, кичикларга izzatда бўлиш, дустлик ва бирдамлик ришталарини боғлаш каби ҳислатлар, аввало, маҳалла бағрида шаклланади. Халқимизда азалдан бир болага етти кўшини ҳам ота, ҳам она, деган нақл бор. Узоқ йиллар мобайнида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бу қадрият истиқлол йилларида янада қадр топи.**



Давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг қўша мажлисида тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилишига замин яратди. Концепция асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги тахриридаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлари бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтирди.

Мамлакатимизда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида маҳалла раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилмоқда. Бугун юртимизнинг барча маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида сайлов жараёни қизгин давом этмоқда. Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам муносиб иштирок этишга интиломоқда. Зангиота туманидаги “Зоиржон Жалилов” маҳалласи оқсоқоли лавозимида 5 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган

- Сайлов қизгин давом этмоқда
- Халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат номзоди маҳалла оқсоқолигига қайта сайланди
- Маҳалла — Жамоат фондининг Гранти соҳиби

депутат Мурод Мирзаҳалилов номуносиб жорий йилги сайловларда ҳам илгари сурилиши фикримиз далилидир. Ҳар томонлама очик, эркин, демократик талаблар асосида ташкил этилган сайловда муносиб номзодлар ичидан партияимиз вакилининг маҳалла раислигига қайта сайланиши унинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг

кўламли ислохотлар жараёнига муносиб ҳисса қўшишга интилаётганидан далолат.

Маҳалла фаолияти билан танишар эканмиз, унинг мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб келаётганига амин бўлдик. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилган ваколат, ҳуқуқ ва имкониятлар мазкур ма-

Шоҳида ДАМАНОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбири

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

### Ташаббус ва натижа

## Маданий мерос объектларининг муҳофиза этилиши ва улардан фойдаланиш

масаласи ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан Жиззах вилоят Кенгаши сессиясига киритилди

Шу ўринда Жиззах воҳасининг ўзига хос тарихи, маданияти ва халқ турмуш тарзининг жонли намунаси бўлган маданий мерос объектларининг бугунги аҳволи қай даражада ва улардан қай тарзда фойдаланилмоқда, деган савол туғилди. Ушбу муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан “Вилоятда маданий мерос объектларининг муҳофиза этилиши ва улардан фойдаланишининг аҳволи” тўғрисидаги масала киритилди.

Сессияда маъруза қилган халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари, партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ғайрат Қодиров мазкур ташаббус ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади. Нотик ўз маърузасида Жиззах вилоятининг ижтимоий-маданий ҳаётида маданий мерос объектларининг тугган ўрнига алоҳида тўхтади. Қайдаки, вилоятдаги маданий мерос объектларини сақлаш, уларни реставрация қилиш ва ободонлаштириш борасида олиб борилган амалий ишлар натижаси ўлароқ, ҳудуддаги бир қанча зиёратгоҳлар обод масканларга айлантирилди. Аммо, қилинаётган бу каби хайрли ишлар мазкур йўналишдаги муаммоларни тўлақонли бартараф этмоқда, дея олмаيمиз. Хусусан, ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан мавзунин таҳлил қилиш жараёнида республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган вилоятдаги айрим маданий мерос объектларини сақлаш, таъмирлаш, у ерда зиёратчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида қатор камчиликлар кўзга ташланди. Фориш туманида жойлашган, Х асрга оид Хонбанди тўғони иншооти, XVI асрга тааллуқли қадимда бўлган боғ қолдиқларидан иборат Абдуллоҳ чорбоғи, XIV асрга мансуб мақбара қолдиқлари ва археологик тепалиқдан иборат тарихий ёдгорликлар таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилишига аъёнлик муҳтож. Баҳмал туманининг Новқа қишлоғида жойлашган, XVIII асрга тааллуқли муқаддас кўл, бино, археологик тепалик ва мақбарадан иборат зиёратгоҳ, туманининг Бонимозор қишлоғида жойлашган XV асрга мансуб қадимжон, археологик тепалик ва мақбарадан иборат Саид Мирзахалилов хонақоҳи каби тарихий ёдгорликларини ҳам ушбу қаторга қиритиш мумкин.

Вилоят маркази Жиззах шаҳрида ҳам реставрацияга муҳтож тарихий, меъморий обидалар мавжуд. Жумладан, шаҳарнинг Хаваслик маҳалласида жойлашган XX аср бошларида қурилган қадимий қадимжонлар ва Хотира музей биноси ҳам таъмирталаб. Шу ўринда Хаваслик маҳалласи ҳудудида жойлашган зиёратгоҳнинг тарихий, ижтимоий аҳамияти ҳақида бироз тўхталиб ўтиш жоиз. Айтиш керакки, мадрасанинг қурилиши XX аср бошида вилоятнинг ижтимоий-маданий ҳаёти-

даги унутилмас воқеалардан бири бўлган. У XIX-XX асрда кенг тарқалган ансамбл шаклида бунёд этилган.

— Бугун зиёратгоҳ тозалик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилишига муҳтож. Унинг эшик ва деворлари эскириб, таъмирталаб аҳволга келганлиги ҳам бу ерда таъмирлаш ишлари олиб борилиши қанчалик зарурлигини кўрсатади, - дейди ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзоси Урол Сатторов. — Айни пайтда бу бинода Жиззах “Хунарманд” уюшмаси вилоят бўлими фаолият кўрсатаётганлиги ҳам вазиятнинг ўнгиланишига ҳеч қандай ижобий таъсир кўрсатгани йўқ. Уюшма мутасаддиларининг айтишича, бино ташкилотта 2009 йилда бегараз фойдаланиш учун ажратилган ва уюшма бино таъмири учун ўзини масъул деб билмайди. Вилоятимизда бу даражадаги меъморий ансамбллар деярли сақланиб қолмаганлигини инобатга олсак, асл кўрнини йўқотмаган ушбу мадрасани сақлаш ва реставрация қилиш бўйича тезкорлик билан аниқ чора-тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқдир.

ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг вилоят Кенгаши сессиясига олиб кирган ташаббусида илгари сурилган яна бир муҳим жиҳат, бу—вилоят Улқашунослик музейига янги бино ажратиш масаласи бўлди. Унинг умумий экспонатлари сони 21 мингдан зиёдни ташкил этади. Музей жойлашган бино 1903 йилда қурилган бўлиб, бугунги кунда ярқисиз ҳолга келиб қолган. Музей залларида ноёб экспонатларни жойлаштириш ва сақлаш учун махсус мосламалар мавжуд эмас, захира фонди эса ертўлада жойлаштирилган. Экспонатларнинг зах жойда сақланиши эса бевосита уларнинг кўриниши ва сифатига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Тарих, табиат, санъат бўлимлари кўчма кўргазма тарзида фаолият кўрсатаётган бўлса, 450 дан зиёд экспонатлар вилоят Қўрғоқ театрининг 3 та хонасига жойлаштирилганлиги масаланинг жиддийлигини далолат беради.

— Музейлар халқимиз ўтмиши, бой маданий ва маънавий меросимизни тарғиб этувчи асосий омили эканлигини инобатга олсак, ушбу муаммони бартараф этиш йўлини излаб топиш асло кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан биридир, - дейди ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Ғайрат Қодиров. — Партия депутатлик гуруҳи томонидан эътироф этилганидек, мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг жорий йил

18 мартдаги “Жиззах махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисидаги” Фармонига асосан, вилоятда улкан иқтисодий зонанинг бунёд этилиши ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада юксалишида муҳим ўрин тутди. Бу эса, табиийки, вилоятга чет элликлар таширишни сезиларли даражада оширади. Жиззах вилоятининг бой маданияти, кўп йиллик тарихини ўзида акс эттирган мавжуд маданий мерос объектларини талаб даражасида таъмирлаш ва реставрация қилиш эса, ўз навбатида, вилоятга таширф буюрувчиларга халқимизнинг ўзига хос маданий бойликлари, аъёналари, тарихий қадимжонлари билан яқиндан таништиришга имкон яради. Шундай экан, бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш энг муҳим вазифалардан бири саналади.

- Маданий-тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраш — ЎзМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифаси
- Жиззах вилоятида жами 372 та маданий мерос объекти рўйхатга олинган
- ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан вилоят кенгаши сессиясига “Вилоятда маданий мерос объектларининг муҳофиза этилиши ва улардан фойдаланишининг аҳволи” тўғрисидаги ташаббус-масала киритилди
- Қизгин баҳс-мунозаралардан кейин сессия қарор қабул қилди

“Вилоятда маданий мерос объектларининг муҳофиза этилиши ва улардан фойдаланишининг аҳволи” масаласини ўрганиш давомида ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан маданий мерос объектларининг ижтимоий-маданий саноҳиятини янада оширишга қаратилган қатор тақлифлар ишлаб чиқилди. Унда вилоятдаги мавжуд маданий мерос объектларининг янги рўйхатини шакллантириш, жумладан, ўрганилмаган қадимий манзилгоҳларни топиш ва ўрганиш, ҳудудда реставрация қилиниши лозим бўлган маданий мерос объектларининг рўйхатини тузиш ва унинг доимий янгилашни борилишини ташкил этиш, жойларда маданий мерос объектларининг муҳофиза қилиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш каби долзарб масалалар ўз аксини топди. Бу саъй-ҳаракатларни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда амалга ошириш, Жиззах шаҳар, Зомин, Баҳмал, Фориш,

ҳалла фаолиятида ўз аксини топган, дейиш мумкин. М.Мирзаҳалилов ташаббуси билан маҳалла республика микросидаги танловлар совриндори бўлди. Жумладан, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Грантига сазовор бўлди. “Мини технологиялар ишлатиладиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имкониятини ўрганиб чиқишга кўмаклашиш, асослантирилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш” номили лойиҳани бажариш учун ажратилган Давлат гранти маҳаллада ишлаб чиқариш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш ҳамда ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Партияимизнинг энг фаол депутатларидан бири раислик қилиб келаётган “Зоиржон Жалилов” маҳалла фуқаролар йиғини туман Кенгашиимизнинг энг яқин ҳамкори, десак муболага бўлмайди, - дейди ЎзМТДП Зангиота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ҳакима Назарова. — Партия томонидан ташкил этилаётган ҳар бир тарғибот ишларида маҳалла фуқароларидан иборат куйи бўғин аъзолари фаоллик кўрсатишади. Мазкур маҳаллада демократик тамойиллар асосида ташкил этилган сайловларда ҳам маҳалла фаоллари ва партияимиз аъзолари фаол иштирок этишди. Ҳудудда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби қатор ваколатларга эга бўлган маҳалла билан ҳамкорлигимиз келгусида янада мустақамлашиши шубҳасиз.

Шоҳида ДАМАНОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбири

Фаллаорол, Жиззах туманларидаги тарихий манзилгоҳларда туристик маршрутлар ташкил этиш, тарихий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳларга борадиган йўлларда таъмирлаш-ободонлаштириш ишларини олиб бориш, зиёратгоҳларга келиб-кетувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят маркази Жиззах шаҳрида вилоят Улқашунослик музейи учун жой ажратиш масалалари ҳам режалаштирилди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси, “Камолот” ЁИХ вилоят бўлими, Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида маданий мерос тарихининг моҳиятини очиб берувчи қадимий

кўлэмалар, фоно ёзувларни синчиклаб ўрганиш ва турли тилларда босма кўриниш ва замонавий дискларда чоп этишни йўлга қўйиш, маданий меросни ўрганишга қизиқувчи талаба ва ўқувчилар учун ёзги ўқув курслари, очик эшиклар кунли каби тадбирларни ташкил этишга ҳам келишиб олинди. Маҳаллаларда маданий меросни муҳофиза қилиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларни режа асосида ташкил этиш, ёшларни маданий мерос бўйича материаллар тўплаш ва тарғибот ишларига жалб этиш, “Тарихини ўрганаман” каби тўғрак ва клублар фаолиятини йўлга қўйиш бу борадаги ишларни жонлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ташаббуси сессияда қизгин муҳокама этилди ва масала юзасидан Кенгаш қарори қабул қилинди.

Дилноза ХАЙИТОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбири



## Маънавият

## Бугуннинг гапи

## «ТЕМИР ҚУТИДАГИ ТЎР»

болаларга интернетни тақиклаш ноўрин, бу борада, аввало, ота-оналар «ўргимчак тўри» ҳақида етарли маълумотга эга бўлиши лозим

*Бугунги кун болалари шунчалик қобилиятлики, улар техника тилини аксарият катталардан кўра яхшироқ тушунадилар. Айниқса, интернет тармоғида сайр қилиш болаларнинг энг сеvimли машғулотига айланиб улгурди, десак адашмаган бўламиз.*



## Интернетга илк қадам...

Бизнинг замонамизда интернет билан танишув тахминан 5-6 ёшларга тўғри келади. Аммо дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳатто 3-4 ёшли болакайлар ҳам интернет оламига сайр қилишга улгуришади. Эндиликда дунё болалари мактаб ёшига етмасдан «бутунжаҳон ўргимчак тўри» исканжасига тушиб қолаётгани ҳам айна ҳақиқат. Ҳозир 10-12 ёшдаги ақли расо болага «Қайси касбни танламоқчисан?» деган савол билан мурожаат қилсангиз, «Катта бўлганимда «hacker» бўламан» деб жавоб беради. Бу интернет асри «кичкин-тойларни»нинг жавоби...

## Дунё тадқиқотчилари бу ҳақда нима дейди?

Cisco компанияси дунёнинг илгор 14 та мамлакат ўртасида сўровнома ўтказди. Ижтимоий сўровнома жаҳмиёт ёшларининг энг қизиқувчан қатлами бўлган мактаб ўқувчилари танланди. Хулоса шу бўлдики, иштирок этганларнинг ҳар учинчиси интернетни «Инсон учун энг керакли эҳтиёжлардан бири» сифатида кўрсатган. Сўровномада қатнашган мамлакатларнинг ҳар бирини 200, жами 2800 нафар вакил иштирок этган. «Интернет сиз учун қай даражада аҳамиятли?» деган саволга катнашчиларнинг 62 фоизи «Интернет мен учун ҳаво, сув, овқат ва бошана каби муҳимдир» деб жавоб берган. Қолган 33 фоиз иштирокчи интернетни кундалик эҳтиёж сифатида кўрсатган бўлса, вакилларнинг энг кам миқдори бу саволга интернетни ахборот олиш ва алмаштириш маънаси сифатидаги аҳамиятини юқори деб баҳолаган. Энг ҳайратланарлиси, сўровнома иштирокчиларига интернет ёки автомобилнинг бирини танлаш имконияти берилганида, уларнинг учдан икки қисми, яъни 64 фоизи сўзсиз «WWW» — белгисини сўров қоғозига илова қилган.

Тадқиқотчиларнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги умумий хулосасига кўра, яқин ўтмишдаги авлод вакиллари мулоқот воситаси сифатида sms хабарлари афзал қўришган бўлса, ҳозирги авлод online режимдаги суҳбатларни устун қўймоқда. Сўровномада иштирок этган вакилларнинг аксарияти Facebookдаги суҳбатни турли зиёфат ва учрашувлар, мусиқа ва дўстлар даврасидан-да устун қўйиши маълум бўлди.

Мавзуга оид навбатдаги факт бундан-да ўтади. Вашингтон университети профессори Фредерик Зиммерман 4 ёшдан 11 ёшга бaрлган 1266 нафар болалар ўртасида тадқиқот ўтказиб, шундай хулосага келди: «Аслида боладаги жиизақилик, жаҳлдорлик, бетгачопарлик ҳолати ваҳший теле-видео, компьютер ўйинлари таъсирида эмас, ота-онанинг бепарволиги сабаб келиб чиқади. Гудак ўзига шу тарзда эътибор тортишга уради. Ота-онанидан топа олмаган меҳрни у албатта, митти қалб — «темир кути»лардан излайди-да. Демак, бу жараёнда ота-она масъулияти жуда муҳим».

## Интернетни тақиклаш керакми? Ёки...

Бу саволга жавоб топишда психолог фикрига таяндик. Психолог Мадина Мирзажонованинг таъкидлашича, болалар онгига интернетнинг ёмон нарсаси эканлигини сингдириш ноўрин. Шунчаки, болаларимизга интернетнинг яширин хавфини чуқурроқ тушутиришимиз керак. Уларни тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, болалар учун мўлжалланган турли фойдаланиш, «электрон энциклопедия» вази фасини ўтайдиган сайтларга қизиқтириш муаммонинг энг оддий ечимидир.

Таъкидлаш ўринлики, интернетнинг сехри кучи унинг анонимлигида. Болаларни оҳанрабодек тортаётган ушбу жиҳат, айниқса, ўсмирлик ёшида улар учун жуда қулай. Боиси, ёш хусусиятига кўра, ўсмирлар ўз муаммоларини ота-оналари у ёқда турсин дўстлари билан ҳам баҳам кўриши хохлашмайди. Чунки айнан ўсмирлик ёшидаги болалар ўта таъсирчан бўлишади. Улар тез азрайлади, сирларини айтишга ийманмишади, тез хулоса чиқаришади, бошқача айтганда, реал ҳаётда улар учун дўст йўқ. Натижанда, ўз «дилдош»ларини интернетдан излашади.

Тармоқнинг улар учун яна бир афзаллиги шуки, ўсмирлар ўз ёшидан кўра каттароқ кўришни хоҳлайди. Ахир 13 ёшдаги ўсмир қиз ўзини 16 яшар қилиб кўрсатиб, унинг ҳаёти билан яшаши мумкин. Бу у учун жуда қизиқ. Ҳеч бўлмаганда тармоқда кўпчилик уларга катталарга хос ҳурмат билан қарашини исташади. Ўсмирларга интернетдаги дўстлар ҳар доим ҳам хавфсиз бўлавермаслигини тушутириш лозим. Болаларнинг интернетдан фойдаланиши керакми ўзи, деган саволнинг жавоби, албатта, «ҳа» бўлиши даркор. Ахир бола виртуал оламда тўғри сўзлашиши билмиши лозим. Бундан ташқари, интернет — чексиз имкониятлар олами-ку! Унда сон-санокчисиз қулайликлар мавжуд. Бола учун интернетни тақиклаш — уни энг кучли ахборот манбасидан жудо қилиш билан баробар. Аммо бу борада тарбия тўғри берилмас экан, яхшиси уни ўша ахборотлар хазинасининг қўқимага йўлатмаган маъқул.

**Машҳур болалар психологи Светлана Задонцева муаммонинг ечимини куйдагича кўрсатади:** Фарзандингизни ҳар қандай вазиятда ўзи ҳақидаги шахсий маълумотларини нотаниш инсонларга бермасликка ўргатинг. Ўсмирларнинг электрон почтасига келиб тушаётган хатларни ўқиб чиқиш ҳам фойдалан ҳоли эмас. Тўғри, биронинг хатини ўқиш ододдан эмас. Аммо бу ҳаракатингиз яқинларини хавф-хатардан қутқариш мақсадини кўзлаган бўлса, ҳеч қандай одобсизлик ҳисобланмайди. Ҳар қандай ҳолатда бегоналардан келган шубҳали жўнатмаларни, хатларни очмаслик ҳақида ўсмирни огоҳлантириш лозим. Ўсмирни тўғри йўналтиришнинг яна бир йўли эса интернет тармоғида у билан биргаликда иштирок этиши. Уни тармоқда нималар билан шуғулланиши ва нималарга қизиқишини кузатиш. Унинг ишончини қозонишга ҳаракат қилинг, шунда фарзандингиз ҳеч нарсани сиздан яширмайди.

Энг қулай ҳимоя эса, яхшиси, компьютерни болаларнинг шахсий хонасига эмас, ота-оналар ўзлари учун қулай жойга ўрнатишлари лозим. Натижанда, болакайнинг компьютер ва интернетдан фойдаланишини текшириш учун қулай имконият юзага келади. Шунингдек, яна бир мақбул чора компьютерга махсус ҳимоя дастурини ўрнатишдан иборат. Бу чора бутун дунё болаларини интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда энг самарали йўл эканлиги, айниқса, бугун ўз тасдиғини топаётди.

Истаймизми, йўқми, тарбия борасидаги масъулиятнинг энг каттаси ота-она ва ўқитувчилар зиммасига тушади. Қачонки, бола онгига ҳар қандай ҳолатда ҳам интернетга тўғри муносабат шаклланди бўлса, у online қурбонига айланиши мумкин, деган хавотирга бормасангиз ҳам бўлади. Чунки ўсмир миясида ҳимоя имунитети мавжуд. Беморга биологик имунитет қанчалик ёрдам берса, болакайнинг онгига ҳам худди шундай ижобий таъсир ўтказолади.

## Ахборот олиш маданиятини шакллантирайлик

Педагог Нодира Эшонкулова бу масалага ўз муносабатини куйдагича билдирди: «Ёшлар тарбияси жуда масъулиятли вазифа. Бу биз педагогларга икки қарра масъулият юклайди. Боиси, боланинг асосий вақти мактабда ўтади. У мактаб парта-сида шаклланади, билим олади, дунёқараш кенгайди. Шу боис, ўқувчилар билан ишлашда уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қиламан. Айниқса, уларнинг ахборот технологияларини ўрганишлари, интернетдан тўғри фойдаланишлари учун амалий машғулотлар ўтказаман. Турли фойдаланиш, ахборот олувчи сайтлар рўйхати ўқувчиларимнинг ён дафтарига қайд этилган. Дарс жараёнида вазифаларини интернетдан излаб топишлари учун аниқ йўналиш бераман. Уларнинг нотўғри ахборот исканжасига тушиб қолиши, ижтимоий тармоқларга муккасидан кетишининг олдини олиш мақсадида ўқувчиларда тўғри ахборот олиш маданиятини шакллантириш лозим деб ўйлайман».

## Тармоқнинг фойдасини ҳам кўряпмиз

— Уч нафар фарзанднинг онасиман, — дейди Нигора Мажидова. — Турмуш ўртоғим билан уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари учун қўлимиздан келган барча имкониятларни яратиб берганимиз. Шахсий компьютердан фойдаланишларига тақик қўймаганмиз. Дастлаб катта ўғлим турли жангари ўйинлар, ижтимоий тармоқларга қизиқа бошлаганди. Бунинг салбий томонлари характерида ҳам намойён бўла бошлади. Бунинг ўзи вақтида англаб, уни интернетдан тўғри фойдаланишга ўргатдик. Компьютерга бола-лар учун мўлжалланган ўйинларни киритдик. Бир неча фойдали сайтлар рўйхатини тузиб бердик. Бошида бунга кўништириш осон кечмади. Ҳозир эса ҳаммаси жойида. Ўғлим ўз-ўзидан биз тавсия этган сайтларга кира бошлади, ахборот излашда ҳам ўзининг ёшига муносибларини топа олишни ўрганди.

## Хулоса ўрнида

Хулоса шуки, ёшлар эртанги кун эгалари. Уларнинг соғлом, баркамол, билимдор бўлиб улғайишлари учун мамлакатимизда барча шароитлар муҳайё. Келажақда уларнинг қандай улғайиши, қайси касбни эгаллаши бугун олган билим ва кўникмаларига боғлиқ. Катта авлод вакиллари, фақат ўз хаёлларини билан бўлмасдан, фарзандларимиздан ким билан дўстлашяпти, кун бўйи нима билан машғул, унда қандай ўзгаришлар кузатишмоқда, деган саволлар жавобини изласак, нур устига нур бўлади. Зеро, Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида янги 2014 йилга «Соғлом бола йили» деб ном беришни тақик қилар экан: «... фарзандларимизни, янги авлоднинг соғлом ва баркамол қилиб воғга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт», деб таъкидлади. Шу нукта назардан, сиз-у биз муҳокама қилган мазкур мавзу кечиктириб бўлмас ва долзарб эканини унутмаслигимиз лозим.

**Шоҳида МАРС қизи, Мухайё НУРМЕТОВА, «Milliy tiklanish» мухбирлари**



*Нилуфар Қаҳҳорованинг миллий матоларимиздан яратган гўзал ва бежирим либослари кўлаб хотин-қизлар эғнида ярашиб туради. Боиси, ўз хунарига ихлоси бaланд чевар доимо изланишда. «Обод турмуш йили»да Н.Қаҳҳорова мавжуд имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб Жондор тумани марказида «Ўзбегим атлас ва адраслари» савдо дўконини очди. Айни вақтда бу ерда ўйлаб турдаси миллий матолар савдоса қўйилган. Шу ернинг ўзида тикши-бичиш хизмати йўлга қўйилгани эса харидорларга янада кенг қулайлик бўлди.*

## Олтин мерос

## Миллий оҳанглар

софлигига заҳа етмасин

лаб, миллий санъатимизни қайта тиклаш, уни янада ривожлантириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Абдурахмон Холтожиев Арманистондан қонун чолғу асбобини олиб келиб қайта тиклади. Бу ишларнинг аҳамиятли томони шундаки, бугунги ривожланган дунё томонидан тақлик этилаётган мусиқа чолғулари қулай ва замонавий, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам миллий оҳангларимизни чиқариб бериш имкониятига эга эмас. Компьютерлаштирилган санъат ҳақиқий санъатнинг ўрнини босолмайди. Халқимизнинг маълум худудлари билан боғлиқ ўта таъсирчан, ажойиб бўлган жуда кўп мусиқий санъат турлари ҳам борки, улардан аёллар санъати билан боғлиқ халфачилик (Хоразм), созанда (Бухоро), ялалчилик (Фарғона), эркакларга тегишли дийраллишма (Хоразм), мавригий (Бухоро), ёввайло (Фарғона)ларнинг ҳам йўқолиб, нутилиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада комплекс ва режали ишларни амалга ошириш, таълим тизимига киритиш учун уларни илмий жиҳатдан ўрганиб, ҳужжатлаштириш, сўнгра таълим дастурларига киритиш орқали кейинги авлодларга етказиш масаласи турибди. 2005 йили Тошкент шаҳрида «Барҳаёт наволар» туркумидан миллий чолғу ижрочиларининг анъанавий

ни кенг қўламада йўлга қўйиш лозим. Бу борада барча имкониятлардан фойдаланиш зарур. Сўнги йилларда замонавий қўшиқчилигимизга турли миллатларга хос оҳанглар шу қадар қоришиб кетдики, қайси бизники-ю қайси биронинки билиб бўлмай қолди. Зеро, Конфуций айтганидек: «Ҳар қандай миллатнинг таназзулга юз тутиши-айнан шу миллатнинг мусиқаси таназзулга учрашидан бошланади. Ўзининг соф мумтоз мусиқасини асраб қололмаган халқ маънавий тубанликка маҳкумдир».

Масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, ҳар бир мусиқий танлов матбуот орқали кенг қўламада ёритилиши лозим. Янги овозлар ёки янги оҳанглар туширилган дискларни дўконлардан топиш қийин. Демак, улар реклама ва тарғиботга муҳтож. Бунинг учун ҳаваскор мақом жамоалари ва катта ашула ижрочилари, бахшиларнинг алоҳида ижролари бахши-шоирлар, оқин, жиров ва халфаларнинг анъанавий республика кўрик-танловлари, «Алла» ижрочилари, кўрик-танлови акс этган дисклар сифатли ва арзон нарҳда сотувга чиқарилса, айни мудоао бўлар эди. «Барҳаёт наволар» туркумидан миллий чолғу ижрочиларининг анъанавий Республика кўрик-фестивали, «Улан айтгани келдик» Республика

- Қонун чолғу асбоби қайта тикланди
- «Барҳаёт наволар» миллий чолғуларимизни намойиш этмоқда
- Уйингизда миллий мусиқа асбоби борми?
- Кўрик-танловларни дискларда ёзиб тарқатиш мавриди келди

Республика кўрик-фестивали ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг турли худудларидан ташриф буюрган ижрочилар қатнашди. 2007 йилнинг 9-10 ноябрь кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилган ушбу фестивалда карнай-сурнай чалишда Тошкент шаҳрининг «Осиё» жамоаси ва Андижондан келган ижрочилар, Чанқовузда Шўрчи (Сурхондарё) ва Фаллаорол (Жиззах)ликларга тенг келадигани топилмади. Шунингдек, сибиғга, лойхуштак ва бўламон созлари чалиш бўйича ҳам беллашувлар ўтказилди. 2009 ва 2011 йили Тошкентда ўтказилган мазкур кўрик-фестивалда миллий оҳангларимиз янада кенгроқ тарғиб қилинди. Чанқовузда ва қайроқ ижрочиларидан бухоролик Олияхон Ҳасанова, сибиғачилардан қашқадарёлик Сафарали Иброҳимов, қўшнайчилардан хормазлик Йўлдош Тожиёв, сурнайчилардан тошкентлик Абдуманноф Тешабоевлар ҳозирда ўз санъати бўйича тенги йўқ ҳисобланади. Албатта, буларнинг бари қувонарли ҳол. Ахир мусиқа асбобларини чалиш у ёқда турсин номини ҳам эшитмаган, оҳангини унутган қанчадан-қанча ватандошларимиз, айниқса, ёшларимизга уларни етказиш муҳим масалалардан биридир.

Яқин-яқингача ҳар бир уйда миллий мусиқа асбобининг бўлиши одадий ҳол бўлган. Афсуски, ҳозирги кунда бундай анъана йўқолиб бормоқда. Миллий чолғу асбобларидан таралган оҳангларда миллатимиз маънавияти, шуури, гурури, тарихи ва келажаги яшайди. Уларни келажак авлодга етказиш бериш, тарғиб қилиш-

**Баҳром ИРЗАЕВ, тадқиқотчи**

Миллий гурур

# Юрт шаъни учун курашмоққа бел боғладим

дейди юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида “Ўзбекистон чемпиони” Анваржон Абдуназаров.

— Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилганман, - дейди Анваржон Абдуназаров. — Спортга кириб келишимга дадам сабабчи бўлганлар. Онамнинг айтишича, телевизор орқали Ер юзининг турли нуқталарида ўтказилаётган Жаҳон, Осиё биринчиликлари, Олимпия ўйинларида давлатимиз байроги юқори кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда дадам иштихор билан менинг ҳам ўғлим насиб қилса, ана шундай спортчилар сафида бўлади, дея орзу қилар эканлар. 2013 йил мен учун омадлик келди. Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Ушанда кўлимда ҳилпираб турган байрогимизга қараб олдимга бундан-да юксак мақсадлар кўйдим.

Маълумки, ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчилик дунёга машҳур қила олмайдди. Биз каби спортсевар ёшларга Юртбошимиз раҳнамолигида кўплаб имкониятлар яратиб берилмоқда. Шаҳар қишлоқларимиз кўрғига кўрк кўшиб турган бир-биридан чиройли, муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, сув ҳавзалари юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Бу каби амалий ишлар ёш йигит-қизларнинг етук спортчи бўлишларига туртки бўлаётгани шубҳасиз.

Мақтабда ўқиб юрган кезларим “Миллий тикланиш” соври-

ни учун туман, вилоят мусобақаларида қатнашиб юрардим. Ҳозирда туманимиздаги педагогика коллежида таълим олмақданман. Келажакда етук спортчи бўлиш билан бир қаторда, олий ўқув юртида таҳсил олаётган спортчи укаларимга сабоқ бериш ниятим бор.

Яқинда Президентимизнинг Фармонида биноан юқори натижаларга эришган бир гуруҳиқтидорли ёшлар мажмуалари билан тадбирни кузатар эканман, миллий таъни учун курашган, ёш бўса-да, ватан иштихори бўлишга лойиқ топилган йигит-қизларга ҳавасим келди. Шундай иқтидорли, ғайратли юртдошларимдан кўнглим чексиз иштихор, гурурга тўлди. Мен ҳам шундай юксак марраларни эгаллашим учун олга интилишим, Ватанга муносиб фарзанд бўлишим лозимлигини англадим.

Айни пайтда Осиё чемпиониғига йўлланма олиш учун тайёргарлик кўряпман. Спорт инсонга мардлик, шижоат ва гурур бағишлайди. Муваффақиятга эришиш учун тинимсиз изланиш керак. Юрт, миллат шаъни, ор-номуси учун курашишга, Осиё чемпиони бўлиб, байрогимизни мағрур кўтармоққа бел боғладим.

“Milliy tiklanish” мухбири Тўмарис АБЗАМ тайёрлади

**Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилди. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Қарорлар тийёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган йиллар мобайнида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида ўрта-максум касб-хунар таълими тизими янада такомиллашди. Ёшларимиз ўз интеллектуал салоҳиятларини юзага чиқариш, танлаган мутахассислиги бўйича мукамал билим олиш имконига эга бўлди. Истиқлол йилларида барпо этилиб фойдаланишга топширилган, барча шарт-шароитларга эга академик лицей ва касб-хунар коллежлари бунинг яққол мисолидир.**

Навоий вилоятида 51 та ўрта махсуд таълим муассасаси мавжуд. 4 та академик лицей ва 47 та касб-хунар коллежи жаҳон андозаларига мос бўлиб, ушбу таълим муассасаларида жами 49 минг 182 нафардан ортиқ ёшлар 120 та йўналиш бўйича таълим-тарбия олишмоқда.

Айни пайтда мазкур таълим даргоҳларида ўқувчилар тафаккурини бойитиш, уларни ижодий фаолиятга йўналтириш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни биргина Навоий информатика

Таълим

# Истиқболи ёруғ таълим маскани

ва электрон саноат касб-хунар коллежи мисолида таҳлил қиларкан бўлсак, мазкур таълим даргоҳида амалга оширилаётган ишлар чин маънода эътирофга молик.

Замонавий кўринишга эга, маҳобатли ўқув масканига қадам қўйишингиз билан қалбингизда иштихор хиссини туясиз. Қулай ва шинам ўқув хоналари, электрон адабиётлар билан бойитилган ахборот ресурслари, кенг ва ёруғ йиғилишлар зали, энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмалари билан таъминланган амалиёт хоналари, спорт зали, ошхона ёшлар хизматида.

—2013-2014 ўқув йилида коллежимизда таълим сифатини тубдан оширишга бирламчи вазифа сифатида ёндашмоқдамиз. Бунинг учун, энг аввало, ўқитувчиларнинг дарс бериш усулларини такомиллаштиришга, яъни дарс жараёнини бугунги замон талаби асосида янги педагогик технологиялар, мультимедиа ва бошқа интерфаол усуллардан кенги фойдаланган ҳолда олиб боришлари учун имкон қадар ҳаракат қилмоқдамиз, - дейди биз билан суҳбатда билим даргоҳи директори Феруза Идиева.

Мухими, бугун таълим ва хунар масканида ахборот-коммуникация технологиялари тизимини ишлатиш техникаси, компьютер ва компьютер хизматлари ишлатиш ва дастурий таъминот бўйича техник, электрон техникаси буюмлари монтаж-чиши, коммуникация тизимларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш техникаси, радиоэлектрон апаратларини монтаж қилиш, созлаш ва таъмирлаш техникаси, ҳужжатлаштириш ва архившунослик, бухгалтерия

ишлари йўналишларида жами 966 та ўқувчи касб-хунар сирларини мукамал ўргатилмоқда. Бундан ташқари, коллежда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда ташкил этилган 21 та тўғрақнинг 11 тасини умумтаълим ва махсус фанлар, 7 тасини спорт машғулотлари ҳамда 2 тасини хунармандчиликка йўналтирилган тўғрақлар ташкил этади.

Коллеж ўқувчилари орасида истеъдодли қизлар кўп. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва қизиқишларини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган “Зулфияхоним қизлари”, “Ораста қизлар” клублари мунтазам ишлаб турибди.

Эътироф этиш жоизки, мазкур билим даргоҳи ўқувчиларга амалий ёрдам бериш ва уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида Навоий давлат кончилиги институтини, Навоий давлат педагогика институтини ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг кафедралари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолаган. Эътиборлики, мазкур олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда коллеж йўналишларига оид турли услубий қўлланмалар, маъруза матнлари ва илмий ишлар яратилмоқдаки, бу каби хайрли ишлар самараси ўлароқ ўқувчиларнинг билим салоҳияти ва касбий қизиқишлари ортиб бормоқда.

Таълим муассасасида ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган барча ижодий ишлар натижаларини республика, вилоят миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ҳамда

спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар мисолида ҳам келтириш мумкин. Жумладан, “Келажак овози-2013” республика кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этган коллежнинг 2-босқич ўқувчиси Матлуба Мамасодиқова “Анъанавий ва амалий санъат” йўналиши бўйича ғолиб бўлди ва танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Коллеж ўқувчиларидан Жаҳонгир Муродуллоев ва Хаёт Ражабов ҳам совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди. Шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Армрестлинг бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 2-босқич ўқувчиси Ситора Нуриддинова ғолиблик шоҳуспасидан жой олди.

Таъкидлаш жоизки, коллежда миллий тарбияга асосланган ҳолда ўқувчи ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг халқимизнинг боқий қадриятларини, ўлмас анъаналарига ҳурмат руҳида камол топишига кўмаклашиш ишига муҳим масала сифатида ёндашилмоқда. Билим масканида ЎзМТДП Навоий шаҳар Кенгаши томонидан тузилган бошланғич партия ташкилоти фаолият юритади. 40 нафардан иборат партия аъзосига эга бўлган мазкур кўйи бўғинга коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гулсанам Норова етакчилик қилмоқда. Унинг ташаббуси билан 2013 йилнинг шу даврига қадар партия билан ҳамкорликда 50 дан ортиқ турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этил-

ди. “Ёшларни миллий урф-одатлар ва қадриятлар руҳида тарбиялаш”, “Анъанавий халқ ўйинларининг ёш авлодни жисмоний тарбиялашдаги аҳамияти”, “Ёшлар тарбиясида шарқона одоб мезонларига таянишни муҳим жиҳатлари”, “Ёшлар тарбиясида миллий мафқуранинг ўрни ва роли”, “Ёшлар - глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларга қарши”, “Юксак маънавияли ёшлар — Ватан таъини” мавзусидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

Маълумки, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Шу боис, коллеж раҳбарияти ҳудуддаги йирик саноат корхоналари ва бошқа ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузиб, битирувчиларни иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўришмоқда. Натижада 2012-2013 ўқув йилида коллежини тугатган 504 нафар ўқувчидан 418 нафари ҳамкорликдаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлашган. 60 нафар битирувчи эса олий ўқув юртларида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлди. 24 нафар битирувчига банк муассасалари томонидан микрокредитлар ажратилди ва улар айна пайтда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишмоқда.

Мухтасар айтганда, коллежда амалга оширилаётган бу каби хайрли ишлар келажакдаги ёшларнинг пухта билим олишлари, касб сирларини чуқур эгаллаб, келгусида ўз танлаган мутахассисликлари бўйича етук кадр бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Ўралой ТУРДИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Банк хизмати

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ



**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимизда қўлга киритилган ижодий ўзгариш ва ютуқларни мамнуният билан таъкидлади.**

Мамлакатимизда аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, маиший шароитларини янада яхшилаш, янги уй-жойлар ва инфратузилма объектларини қуриш, маҳаллаларни обод этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, янги иш ўринлари барпо этиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, уларнинг орзу-интилишларини амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маърузада таъкидланганидек, поёнига етаётган 2013 йилда қишлоқ аҳолисига уй-рўзгор буюмлари сотиб олиш учун қарийб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш оилаларга уй-жой қуриш ва уларнинг бу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 436 миллиард сўмдан ортиқ, яъни ўтган йилга нисбатан 10 фоиздан кўп ипотека кредитлари ажратилди. Шунингдек, опа-сингилларимизга қулай шароит яратиш, уларни тадбир

корликка кенг жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан 117 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бу билан қанчадан-қанча хотин-қизларимиз ўз бизнесини юритиб, оиласи, эл-юртимиз учун фойда келтиришига, ҳаётда ўз ўрнини топишига имкон яратилди. Бундай ижодий ўзгариш ва муваффақиятларни юртимиздаги йирик молия муассасаларидан бири бўлган “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”-ги Фармони асосида иш бошланган мазкур молия муассасаси барқарор ва ишончли микромолиявий ташкилот сифатида юртимиз молия бозорига фаолият юритиб келмоқда.

2013 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилишига устувор вазифа сифатида қаралди. Бу вазифалар бўйича “Микрокредитбанк” томонидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш вазифалари аник белгилаб олинган эди. Банк томонидан ўз маблағлари ҳисобига замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, банкорт корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, янги иш ўринларини яратиш учун инвестицияларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида республикамиз бўйича 21,2 мингтага яқин кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, улар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 15,2 фоиз ошгани мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратиш бериш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасидир.

Банк “Обод турмуш йили” Дав-



(ЎЗА) огаин сурат.

лат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш борасида қизгин фаолият олиб борди. Хусусан, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фермерликни янада ривожлантириш, оилаларни мустақамлаш ҳамда аёлларни иқтисодийнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намоеён этиши ва уй-рўзгордаги ишларини энгиллаштириш учун қулай ижтимоий маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, сифатини ошириш, ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва ишини яхшилаш мақсадида, “Обод турмуш йили” Давлат дастури тадбирларини фаол амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари доирасида

“Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жорий йилнинг ўтган ойлари давомида жами 490 млрд. сўм микдорда кредитлар ажратилган. Хусусан, кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар микдори 234 млрд. сўмни ташкил этди. Шунингдек, банк томонидан биргина кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳисобидан юз мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ҳақиқатдан ҳам, ўтиб бораётган “Обод турмуш йили” “Микрокредитбанк” учун ниҳоятда самарали йил бўлди, деб айтишимиз мумкин. Банк асосий эътиборни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий тадбиркорлик ва касана-чиликни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринлари яратишга қаратди. Хусусан, банк томонидан

кредитлар ажратиш кўлами ҳам барқарор ўсиб борди.

Давлатимиз томонидан таълим муассасалари битирувчиларининг эгаллашган билим ва касб-хунар кўникмаларини ҳаётда қўллашга, уларга доимо ёрдам кўрсатишга эътибор қаратиб келинади. Хусусан, 2014 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллашган мутахассисликлари бўйича иш жойлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, 500 минг нафардан зиёд ёш йигит-

қизларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бу каби эзгу ишларнинг барчасида молия муассасалари, хусусан, “Микрокредитбанк” ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Банк ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган, бугунги кунда меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Пойтахтимизда бўлиб ўтган анъанавий “BankExpo-2013” кўرғазмасида “Микрокредитбанк” танлов натижаларига кўра, “Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” дея эътироф этилгани ҳам фикримиз исботидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технология ва инновацион лойиҳаларни, чекка туманларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари лойиҳалари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Айни пайтда банк томонидан ёш тадбиркорларга 37,9 млрд. сўм микдорда кредитлар ажратилди.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириш мақсадида 2014 йилда ҳам вилоятлардаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда “Банк ва коллеж ҳамкорлиги” лойиҳаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда “Ёш тадбиркор — юртга мадақдор”, “Менинг бизнес фоям” лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

*Булардан кўрииб турибдики, “Микрокредитбанк” бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида муайян тажрибага ҳамда молия бозорига ўз ўрнига эга. Банк 2014 йилда ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда, “Соғлом бола йили” давлат дастурини муваффақиятли амалга оширишда, ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуришда, юрт ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда муносиб иштирок этади.*

## Бизнинг шарҳ

# ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ДЕМОКРАТИЯ УЧУН КУРАШ

ҳар бир партия мустақил бўлиб, у асосан ўз аъзолари ва сайловчилари олдида жавоб беради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уларда юрт шаъни, инсон қадр ва демократия учун кураш мақсади ётади



**Францияда Халқ ҳаракати иттифоқи — ўнг марказий консерватив партия мамлакатдаги энг ёш, аммо дадил партиядан бири сифатида тилга олинади. 2002 йилда ташкил этилган партия қисқа муддатда ғояси, дастури ва ҳаракати билан халқ ишончини қозона олди, ўз электоратини шакллантирди. Бугунги кунда партия Халқаро демократик иттифоқ ҳамда Европа халқ партияси аъзоси саналади.**

Франция Буюк Британия билан бир қаторда замонавий сиёсий партиялар ватани ҳамда плюрализм ва фикр эркинлиги бўйича кўп асрлик анъаналарга эга. Сўнгги йилларда мамлакат сиёсий ҳаётида иккита асосий доктриналар ўзаро рақиблик қилди. Булар миллий кадрлар ва анъаналар тарафдори бўлмиш консерваторлар ва социалистлардир. Франция Халқ ҳаракати иттифоқи фаолиятдан асосий мақсад жамиятнинг турли қатламлари томонидан қўллаб-қувватланувчи, оммавий ва нуфузли сиёсий ташкилот тузиш эди. Улар асос солган партия ғояси "Буюк ва мустақил Франция" ва унинг маданияти, шунингдек, кучли президентлик ҳокимияти ва сиёсий барқарорликдан иборат бўлган.

## Франция Халқ ҳаракати иттифоқи

2002 йилда иккинчи муддатга сайлаш учун ўз номзодини қўйган мамлакат президенти қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Ушунда президентлик сайловларида амалда-

ги давлат раҳбари 82,21 фоиз овоз билан иккинчи муддатга сайланди. Айниса, сайловлардан кейин консерваторлар таркибига "Либерал демократия" партиясининг қўшилгани партия нуфузини янада оширди. Қарийб 70 миллион аҳолига эга бўлган мамлакатда партия етакчи сиёсий кучлардан бирига айланди. Президентлик сайловлари якунланиши билан бўлиб ўтган парламент сайловларида ҳам Халқ ҳаракати иттифоқи (XXI) ғалаба қозонди ва Миллий ассамблеяда катта ўринга эга бўлди.

Гарчи консерваторлар 2004 йилда Европарламент ҳамда ҳудудий сайловларда имкониятни бой бериб, фақатгина Сенат сайловларидаги ғалаба билан чекланган бўлса-да, навбатдаги сиёсий жараёнда яна етакчилар қаторидан жой олди. Президентлик сайловларида сўнг Миллий ассамблея сайловлари ўтказилиб, унда ҳам консерваторлар ўз ғалабаларини нишонлади. Аммо ҳукумат ўтказган ислохотлар қутилган сайловларни бермади. Шу сабабли 2007 йилда ҳам президентлик, ҳам парламент сайловларида кўлга киритилган ғалабани 2012 йили такрорлашнинг имкони бўлмади. Партия ҳар икки сайловда ҳам муваффақиятсизликка учради.

Консерваторлар азалдан анъанавий кадрлар тарафдори бўлиб келган. Шу жиҳатдан анъаналар ва жамиятдаги тартибни сақлаш, оилавий кадриларни мустаҳкамлаш асосий йўналишлардан бири этиб белгиланган. ХХI дастурида хусусийлаштириш, ижтимоий хизматлар соҳаси, нафақа, таълим ва илмий тадқиқотлар тизи-

мини ислох қилиш, ноқонуний миграцияни чеклаш партия дастуридан ўрин олган. Шунингдек, фаол ташки сиёсат, консерватизм ҳудудлар ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган. Ташкилий тузилишига кўра, партия Олий органи — съезд, ижро органи — Миллий кенгаш, энг юқори лавозим — раис ва бош котиб, маҳаллий ташкилотлардаги олий орган — департамент съездлари, маҳаллий ташкилотларнинг ижро органлари — департамент кенгашларидан иборат. Партия электорати асосан зиёлилар, ижтимоий фаол қатлам — тадбиркорлар, катта ёшли аҳолидан иборат ижтимоий консерваторлар саналади.


Францияда партия фаолиятга тегишли қонунчилик регламентацияси мавжуд эмас. Қонунларда партиянинг бошқа ижтимоий бирлашмалардан фарқи кўрсатилмаган. Уларда мавжуд меъёрлар бир хилда татбиқ этилади. Партияларни ташкил этиш эркин ва улар давлат рўйхатидан ўтиши шарт эмас, аммо миллий суверенитет ва демократия таъминлари ҳурмат қилиниши шарт. Таъкидлаш лозимки,

**Бехбуд БОТИРОВ,**  
"Milliy tiklanish" шарҳловчиси

- Миллий Ассамблеяга 577 нафар депутат сайланган бўлиб, уларнинг ваколати 5 йил этиб белгиланган. Сенат эса 322 аъзодан иборат. Сенатор 9 йил муддатга сайланса-да, уларнинг учдан бири қисми янгиланиб туради.
- Ҳуқуқор партия вакили Миллий Ассамблея раиси ҳисобланади. Парламент қўйи наласи вице-президенти эса бошқа партияга мансуб бўлиши белгиланган. Ўз навбатида, мамлакат президенти парламентни тарқатиб, муддатдан аввал сайлов белгилаш ҳуқуқига эга.
- Миллий Ассамблея депутатлигига 23 ёшга тўлган, сенатга эса 35 ёшни қаршилаган шахсларгина ўз номзодини илгари суриши мумкин.

## Шамол харитаси

НАСА мутахассислари томонидан компьютер моделлаштириш усули ёрдамида Ер юзида эсувчи шамоллар харитаси яратилди.



Мазкур харита ёрдамида бир вақтнинг ўзида об-ҳавонинг ҳолати ҳамда шамоллар кучини аниқлаш имкони мавжуд. Рангли тасвирдаги харитада сониясига 50 метр тезликда ҳаракатланувчи шамоллар ранги оқ, кучли шамоллар йўналиши эса қизил рангда белгиланган.

## Нефть қувури портлади

Хитойнинг Синхуа шахрида жойлашган нефть қувури портлаб кетган.



Оқибатида юздан ортиқ ишчи турли даражада тан жароҳати олган, ҳалок бўлганлар 60 нафардан ошган. Эслатиш жоиз, Синхуада ҳозир кўплаб йирик ҳажмдаги нефть қувурлари ўрнатилган. Аини пайтда фожеа юзасидан текширув ишлари бошланган. Кўнгилсизликда айбдор деб топилган ўндан ортиқ фуқаролар ҳибсга олинган.

Интернет хабарлари асосида  
Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади

## Эълонлар

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ**  
2014 йил 23 январь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказлади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 6-уйда жойлашган «OQTOSH» ижод уйи балансидаги 2002 й. и/ч, д/р 01/884QQA, бошланғич нархи 5 486 700 сўм бўлган «Тико» русумли; Тошкент ш., Юнусobod тумани, Зарафон кўчаси, 4-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси марказий банк қошидаги Қимматбаҳо металлургия агентлиги балансидаги 1993й. и/ч, д/р 01/956QAA, бошланғич нархи 11 224 476 сўм бўлган «KAB3-3976» русумли; Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 18-уйда жойлашган «АКА» ДАТБ ОАЖ Шайхонтоҳур филиали балансидаги 2004 й. и/ч, д/р 01/3620BA, бошланғич нархи 14 986 000 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаларни кўйлади.

Талабдорлардан буюртномаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 хисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йилгирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталаarning ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспортларга қизиқиш билдирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва кўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 16 «А-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: **TUAS\_MCHJ@mail.ru.**

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 5 декабрь куни ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «ASIA PIPEPLAST» МЧЖ балансидаги д/р 01/072EAA бўлган «Тико» — 6 600 000 сўмга; Ўзбекистон Давлат санъат музейи балансидаги д/р 01/748UCA бўлган «ГАЗ-3110» — 11 000 000 сўмга; «TOSHKENT FAVORASI» ДУК балансидаги д/р 01/143KBA бўлган «Дамас» — 3 700 000 сўмга; Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий Кенгаши балансидаги д/р 01/040HBA бўлган «Ласетти» — 18 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

**«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

**1. Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлими томонидан қўйидаги автотранспорт воситалари савдога куйилмоқда:**

Мирзаобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан: 1. «HYUNDAI-PORTER-II» русумли, д/б бўлмаган, 2004 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзаобод туман "Сирдарё Агротерминла" МЧЖ оморидa сақланаётган носоз холдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 19 783 487 сўм. 2. ГБА «ГАЗ-31029» СПГ русумли, д/б 20 О 843 АА бўлган, 1993 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзаобод туман ИИБ жарима майдончасида сақланаётган носоз холдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси - 6 500 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 21 январь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, нархи сунъий равишда кўтарилиб сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2014 йил 28 январь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

**Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан:**

1. ГБА «ЭПИКА»СПГ русумли, д/б 20 320 ЕАА бўлган, 2012 йил ишлаб чиқарилган, Нардиси Савдо Сервис МЧЖ оморидa сақланаётган қисман носоз холдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 47 619 183 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 7 январь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, нархи сунъий равишда кўтарилиб сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2014 йил 14 январь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

**Мирзаобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан:**

1. ГБА «М-412-ИЭ-028» СПГ русумли, д/б 20 X 463 АА бўлган, 1991 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Мирзаобод туман "Сирдарё Агротерминла" МЧЖ оморидa сақланаётган носоз холдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 852 930 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 7 январь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охириги муддати: Бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабдорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закатла келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автотранспорт воситасининг номи, давлат белгилари, кўрсатилган ҳолда «UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ "Турон" банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қўйидаги хисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Х-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй I-қават, телефон: 235-03-58. Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август**

## Рангин дунё

**Дунёнинг қадимии етти мўъжизаси ўз даврида дин, мифология, куч-қудрат, санъат ва фаннинг ёрқин намунаси бўлган. Биз учун эса улар ҳозирги кунга қадар вақт синовида дош бериб келаятган Миср эхромларидек улкан ва ажойиб обида яратишга қодир инсон қобилиятини ақс эттиради. Ана шундай қадимги мўъжизалардан бири Семирамида самовий боғларидир.**

Афсоналарга лиммо-лим осма боғ Бобил шаҳри, ҳозирги Ироқ давлати ҳудудига бўлган. Самовий боғларнинг яратилиши аёл подшоҳ Семирамида (Шаммураат) номи билан ҳам боғланади. Бошқа бир манбага кўра, осма боғ подшо Навуходоносор фармоиши билан милоддан аввалги 6-асрда бунёд этилган. Подшо ўз саройини баланд сунъий майдон устига қурдирган. Майдонга қават-қават айвонлар орқали чиқилган. Ҳар бир қават айлана-кўбба шаклида бўлиб, уларни баланд тош устун тутиб турган. Айвонларнинг устки қисми қамиш билан ёпилиб, устма-уст ҳолда ғишт терилган, унинг устига эса кўрғоштин пластиналар ётқизилган. Кейин юқорига жуда кўп миқдорда тупрок қиқарилиб, бутун том бўйлаб қалин қилиб солинган. Ҳар бир қаватга дараклар ўтказилиб, гўзал боғлар яратилган. Бу боғларни суғориш учун сув Фрот дарёсидан олинган. Сувни тепага кўтариб берадиган, чарм идишлар ўрнатилган улкан чархалакни юзлаб куллар кеча-ю кундуз айлантириб турган. Бобилдаги самовий боғлар шу даражада гўзаллигидан етти

иқлимда йўқ «боғи эрам» деб ҳам аталган. Афсуски, Фрот дарёсининг тошиши уни вайронга айлантирди. Семирамида боғлари ҳақидаги энг батафсил маълумот Бероус ва Диодорус Сицилус каби грек тарихчиларининг асарларида келтирилган. Бироқ, Бобил ёдномаларида бу хусусида ҳеч нарса айтилмаган. Небучедде-незёр давридаги ёзма манбаларда сарой тасвири, Бобил шаҳри, унинг деворлари ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса-да, осма боғлар ҳақида бирор жўяли фикр учрамайди. Хатто, боғлар ҳақида энг кўп манба қолдирган тарихчиларнинг ўзи ҳам уни ҳеч қачон кўрмаган.

Бугунги кун тарихчиларининг маълумотларига кўра, Искандар Мақдуний жангчилари унумдор Месопотамия ерларига етиб келди. Улар Бобил шаҳрини томоша қила туриб ҳайратга тушди ва кейинчалик Месопотамиядаги ажойиб боғлар, пальма дарахтлари, Небучадденезер саройи, Бобил минораси ҳамда ибодатхоналар ҳақида ўз ватандошларига ҳикоя қилиб берганлар. Шу боис, ўша пайтда ҳам инсонлар қадимги дунё мўъжи-

# Бобилдаги осма боғлар

заларини шоиру тарихчилардан эшитган.

XX асрга келиб Бобилдаги осма боғлар билан боғлиқ баъзи бир сирлар юзга чиқди. Археологлар ҳозирги кунда ҳам осма боғлар жойлашган жой ҳамда ўша даврга хос ирригация тизими ҳақида далиллар тўплашга уринишмоқда. Осма боғлар Страбон ва византиялик Пхило асарларида куйидагича тасвирланади: "Боғ тўртбурчак шаклга эга. Ҳар томони 120 метр узунликда. У бир неча қаватли кубсида осоларга қурилган устунли гумбазлардан ташкил топган. Тепадаги айвон томларига кўтарилиш учун зинапоярлик қилинган..."

...Осма боғда самога қараб ўсадиган ўсимликлар бор. Уларнинг илдизлари ерга тегмасдан осилиб турган айвонларда ётади. Боғни тош устунлар кўтариб туради. Сунъий кўтарилган сув оқимлари қия ирмоқлардан пастга оқиб туради. Бу сарой ҳашаматининг бир намунаси бўлиб, Фрот дарёсидан кўтариб олиб келинган. Бир гуруҳ археологлар жунубий сарой ҳудудини текшириб кўришгач, устунли бино-



ни Бобил осма боғларига қиёслашди. Аммо, грек тарихчиси Страбон осма боғларни Фрот дарёси бўйида тасвирлаган. Шунинг учун эътирозлар қанчалик кўп бўлмасин, устунли бино Фрот дарёсидан кўтариб олиб келинган, деган фикр асоссиз бўлиб қичди. Улар Фрот дарёсидан саройгача қўзилган худудларни худди аслидек қайта жонлантиришга ҳаракат қилишмоқда. Нега деганда, дарё киргоғи яқинида топилган 25 метр қалинликдаги улкан деворлар осма боғларнинг пойдевори бўлиши ҳам мумкин. Дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлган «Осма боғлар»нинг аниқ жойини ҳозиргача ҳеч ким

Зафар МУҲАММАД

Анжуман

Кадрият

Истеъмолчилар  
хуқуқлари ҳимоя  
қилинмоқда

Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамкорлигида "Фуқароларнинг коммунал соҳадаги истеъмол маданиятини ривожлантириш, уларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш" мавзусида анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида"ги Фармони асосан ишчи ислохотлар амалга оширилмоқда. Анжуманда таъкидланганидек, жорий йилнинг 9 ойи давомида адлия органлари ёрдами билан 1245 та муурожаат юзасидан фуқароларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳимоя қилинган. Утган давр мобайнида қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга 700 га яқин тақдимнома киритилган бўлиб, шундан 659 тасининг ижроси тўлиқ таъминланган. Уларнинг асосий қисми бевоҳида ҳоқимият идоралари, электр тармоқлари, газ, сув таъминоти идораларига юборилиб, инсон хуқуқларига даҳл қилувчи 106 та турли хилдаги ноқонуний ҳужжатларнинг бекор қилинишига эришилган.

Бундан ташқари, анжуманда Ўзбекистон истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини олиб бориш, истеъмолчиларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунчиликка риоя этилиши бўйича мониторинг натижалари, ҳимоянинг таъсирчан механизmlарини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган тадбирлар юзасидан ҳам фикр юритилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида федерация томонидан қабул қилинган "Обод турмуш, соғлом ҳаёт ва хуқуқий маданият" дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси бўйича қирққа яқин давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ишчи ҳамкорлик йўлга қўйилган. Қолаверса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан 7600 дан ортиқ шикоят ва аризалар келиб тушган бўлиб, уларнинг 95,1 фоизи ижобий ҳал этилиши натижасида 1 миллиард 976 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоблаб берилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Мавсум

Давлат мулкани ёнғиндан асраш  
ҳар биримизнинг бурчимиздир

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қароридан келиб чиққан ҳолда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида "2013 йил 20 ноябрдан 20 декабргача Ёнгин хавфсизлиги ойлиги"ни ўтказиш тадбири ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси санаот корхоналари ичида алоҳида ўринга эга Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мустақил давлатимизнинг иқтисодийётига ўзининг салмоқли улушини қўшиб келмоқда.

Корхонада ёнгин хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган ушбу корхонада углеводород ва нефт

хомашёсини олиб келиш, уни қайта ишлаш, ҳосил бўлган тайёр нефть маҳсулотларини сақлаш ва керакли манзилларга жўнатиш жараёнларида ёнгин ва техника хавфсизлиги қондалари бузилиши кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, заводимизнинг асосий цехларидадир бири ҳисобланган 3-цехда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш цех ишчи-ҳодимлари учун энг устувор масала ҳисобланади. Чунки цехимиз заводнинг бир меъёрга ишлаб туриши учун суюлтирилган ва газ ҳолдаги азот, кислород каби ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддаларни ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, цехда заводнинг барқарор ишлаши учун ҳаво ва буғ тайёрланиб, керакли участкаларга жўнатилади. Мана шу технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлиги тадбирлари-

нинг бажарилишига эътиборсизлик билан қараш нималарга олиб келишини цех жамоаси жуда яқин тушунади.

Цехимизда «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»ни юқори савидада ўтказишни таъминлаш мақсадида умумий йиғилиш ўтказилиб, унга кўра амалга оширилиши лозим бўлган 20 банддан иборат чора-тадбирлар режаси тузилган. Режага асосан «Ёнгин хавфсизлиги ойлигининг» I ва II декадасида тарғибот ва ташвиқот ишлари учун 18 донна панно, лозунглар ва 6 та ёнгин хавфсизлиги бурчақлари, 1 донна макет, 5 донна деворий газета ташкил қилинди ва цех ҳудудларига осиб қўйилди. Жами шу даврда 1 100 000 сўмлик иш бажарилди. Цех ҳудудида 9 донна ёнгин ўчириш қалқони бирламчи ўт ўчиргич анжомлари билан таъминланган. Бу ерда 11 донна ички ёнгин ўчириш жумраклари ўрнатилган бўлиб, улар ёнгин ўчириш энгиллари ва дастаклари билан тўлиқ таъминланган. Бундан ташқари содир бўлган ёнгинларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида цехимиз участкаларида 60 донна кукуни ва углекислотали ўт ўчиргичлар ҳам шай қилиб қўйилган. Ишчи-хизматчилар ўртасида ёнгинга

қарши тушунтириш ишлари доимий равишда олиб борилмоқда. «Олов бу душмандир!», «Ёнгин хавфсизлиги ойлигини намунали ўтказайлик», «Ишлаб чиқаришда ёнгин хавфсизлигини таъминлайлик», «Оловдан — эҳтиёт бўлинг» каби мавзуларда ишчи-хизматчилар билан суҳбатлар, завод радиоузели орқали шу мавзуда ҳодимларимизнинг чиқишлари ташкил этилди. «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» даврининг I ва II декадасигача цехимизнинг 47 нафар ишчи ҳодими Бухоро вилоят ИИБ ЕХБ тарғибот-ташвиқот марказига ташриф буюришди ва Ёнгин хавфсизлиги хизматининг тарихи, ривожланиши, халқ ҳўжалиги объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган экспонатлар билан таништирилди.

Ёнгиннинг олдини олишга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар яқин натижа берапти. Айни пайтда ёнгин хавфсизлиги ойлигини самарали яқунлаш маъсуулияти цехимизнинг ҳар бир ҳодимини фаолликка ундамоқда.

Олим АСРОРОВ,  
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи  
цех бошлиғи ўринбосари

Миллий матоларимиз

замонавий либослар кўринишида

Бугунги кунда хорижликларнинг юртимиз атлас, айрас, банорас, беқасам ва шойи каби миллий матоларига қизиқиши тобора ортмоқда. Миллий хунармандчилигимиз намунаси саналмиш матоларимизни замонавийлик билан уйғулаштиришга иштилоётган модельер-дизайнерлар учун кенг имконият яратиб берилмоқда. Ана шундай модельер-дизайнерлардан бири Гулруҳ Раҳмон "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси қошида ташкил этилган "Шарқ либослари" дизайн марказида фаолият юртади. Энг аввало Гулруҳнинг фаолияти билан қизиқдик.

—Марказнинг очилиши кўплаб ёш ижодкорлар учун айна муддао бўлди, - дейди Гулруҳ. — Дизайнерлик марказимизда текстил ва дизайн йўналишидаги халқаро кўргазма, симпозиум, услубий семинарлар хорижий ва миллий дизайнерлар иштирокида маҳорат дарсларини ўтказиш имконини берди. Замонавий кийимларнинг янги намуналари дизайни ва уни моделлаштириш бўйича дизайнерлик гуруҳи томонидан экспериментал тикувчи-цехимизда тажриба тарзида либослар тикилади. Шу билан бирга марказимизнинг ўз дўкони ҳам бор. Унда дизайнерларимиз яратган миллий либослар коллекцияси сотилади. Мазкур соҳада таълим олаётган ёшлар учун марказда тикувчилик, дизайнерлик ишини ўргатиш бўйича ўқув дарслари олиб борилди.

Марказни томоша қилар эканмиз, хоналарда қизгин ижод қилаётган ёшларнинг эркаклар, аёллар ҳамда болажонлар учун тикаётган миллий либос ва пойфазалларини кўриб кўзимиз қувнади. Марказ ҳақиқатдан ҳам ижодга чанқоқ ёшларни бирлаштирганига яна бир қарра амин бўлдик.

Гулруҳнинг ижодга бўлган меҳри, ғайрати, шижоатини кўриб танлаган йўлида тиргак ва суянч бўлиб келаётган оиласи ҳақида ҳам гапириб беришни сўрадик.

—Асли адабиётшунослар оиласида туғилганман. Ижодкорлик менинг қонимда бор. Даддам Шавкат Раҳмон шоир эдилар. Кичкиналимда уларнинг ёзган шеърларини чуқур англамасам-да "шеърингизга мана бундай қилиб расм чизса бўларкан" дея фикримни баён этардим. Эҳтимол, ўшанда болаларча фикрлагандирман, лекин дамдам бекфарқ бўлмасдан, чиза-қол дердилар ва мен шеърлар учун расм солишга ҳаракат қилардим. Телевизор орқали подиумлардаги модельерларни кўриб улarga ҳавас билан боқардим. "Катта бўлганимда ким бўласан?" деган саволга гарчи бу соҳанинг моҳиятини тушунамасам-да, модельер-дизайнер бўламан деб жавоб берардим. 5 ёшимдан бошлаб кўйриқчоларимга тикайдиган либосларнинг расмларини чиза бошладим. Расм чизишга бўлган иштиқимим кўрган ота-онам аввало расмоллик тўғрагага берилди. У ердаги устозларимдан олган сабоқларим натижасида туман, шаҳар миқёсида ўтказилган кўплаб кўйриқ-танловларда қатнашиб фахрли ўринларни эгалладим. Мактабни битиргач, соҳага бўлган қизиқишим мени Тошкент тўқимачилик ва энгил саноатинститутига етаклади. Шу кундан эътиборан олдимга



кўйган мақсадларимга эришишни кўнглимга тугдим. Утган тўрт йил ичида ҳақиқий мода, дизайн оламининг сир-асрорларини ўргандим. Танлаган касбимнинг кичик деталаригага ўрганишга ҳаракат қилдим. Турли кўйриқтанлов ва фестивалларда иштирок этдим. Ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бири 2012 йили "Ўзбекенгилсаноат"нинг миллий либослар кўргазмаси намойишида юз берди. Ўшанда ижодий тўпламим билан иштирок этдим. Томошабинлар ишимни илиқ кутти болишди. Хориждан ташриф буюрган меҳмонларни миллий кадриятларимиз акс этган ли-

бослар қизиқтириб қўйди. Албатта, ҳамкорликда ишлаш таклифи ҳам тушди. Жорий йилнинг ноябрь ойида Буюк Британиянинг Бирменгем шаҳрида ма-лака ошириб қайтдим. Бу сафарим жуда самарали бўлди. Тажриба алмашиш баробарида ижодий ишларимни хорижликларга намойиш этиш имконига эга бўлдим. Либос эскизларини яратиш билан бирга миллий матоларимиз, бўёқларимиз ва фойдаланган ҳолда миллий кадриятларимиз акс этиб турувчи пойфазаллар яратиб, сотувга чиқаришга ҳам улгурдим. Чет элликлар миллий оёқ кийимларимизга қизиқиб қолишди. Айни пайтда Gulrukh Rahmon номи остида чиқарилаётган маҳсулотларимга талаб юқори.

Жорий йил мен учун жуда омадли келди, десам хато бўлмайди. Боиси самарали ижод қилдим. Кўплаб дизайнерлар орасида айнан мен Ўзбекистон телерадиокомпанияси бошловчилари учун либослар яратдим. Шунингдек, Халқаро пахтаसानот марказида иккита либослар тўплами билан иштирок этдим. Буларнинг бари ўз устимда янада кўпроқ ишлашга туртки бўлди.

Ёш дизайнернинг ишларини кузата туриб, коллекциясида қадимги аёллар услубига тез-тез муурожаат қилинганини кўра-миз. Саволмуз нигоҳ билан яна унга юзландик.

—Миллий либос ҳар бир миллатнинг кўрки ҳисобланади. Қадимда ёш келинлар шойи рўмол ўраб, узун, энглари кенг либослар устидан камзул, мурсақ, калтача кийишган. Хотин-қизлар ёшларига қараб кийи-нишган. Шу боис, ана шу қадимий услубга муурожаат қилишни лозим топдим. Бу борада яна кўплаб изланишлар олиб бориш ниятидаман.

Олдимга ўйган мақсадларим талайгина. Жамиятда ўз ўрнини эга бўлиб, етук модельер-дизайнер сифатида ватаним довуғини жаҳонга ёймоқчиман. Бугун озми-кўпми яқин натижаларга эришишга мўваффақ бўлдим. Бунда оилам, устозларимнинг ўрни беқиёс. Биргина армоним бу кунларни дадам кўрмади. Агар тирик бўлганларида эришган ютуқларимдан ҳаммадан кўпроқ улғур қувонган бўлардилар. Шунинг учун ҳам устимда тинимсиз ишлайман. Ва энг яқин ишларимни дадамга бағишлайман.

Тўмарис АБЗАМ,  
"Milliy tiklanish" муҳбири



ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Кунгабоқар

Ўсимлик уруғида 38 фоизгача мой, 19 фоизгача оксил, 27 фоизгача углевод, 2% фитин, шунингдек, лимон, мой кислотаси ва бошқа органик кислоталар, холин, флавоноид ва каротин бирикмалари бор.



Халқ табибатида кунгабоқарнинг гуллари, барглари ва саватчаларидан тайёрланган дамлама ёрдамида ревматизм, невралгия, радикулит, сариқ касаллиги, шунингдек, меъда ва юрак огриклари даволанади. Гулларидан тайёрланган қайнатма грипп ва ўтқир респиратор касалликларда ҳам наф беради. Бундан ташқари, кунгабоқар барги ва гулларида олинган экстракт иштаҳа очиб, овқат ҳазмини яқшилайди. Таркибида ёғлар мавжудлиги боис, кунгабоқар холестерин алмашинувини меъёрлаштириб туради. Замонавий тиббиётда кунгабоқар мойи асосан тери касалликлари ва атеросклерозда кенг қўлланилади. Ундан ҳар хил эмульсиялар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Айниқса, ўраб олиш хусусиятига эга восита сифатида йўтал ва меъда огрикларида буюрилади. Кунгабоқар мойидан сўғим, баъзида ўт пуфағи ишини кучайтириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бироқ, бундай амаллар шифокор назорати остида қилинмоғи лозим.

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг чуқур нуқта Иордания ва Исроил оралиғида жойлашган Ўлик денгизидир. Бу ердаги сувлар денгиз сатҳидан 423 метр пастда бўлиб, ҳар йили тахминан 1 метрга қисқариб туради.

Энг баланд кунгабоқар Нидерландияда қайд қилинган бўлиб, унинг узунлиги 7,5 метрни ташкил қилган.

ТУРФА ОЛАМ

Давомат нимага боғлиқ

БУЮК БРИТАНИЯЛИК ОЛИМЛАР МАКТАБ ЎҚУВЧИСИНING ДАВОМАТИ ЭНГ АВВАЛО, УНИING ИРСИЯТИГА БОҒЛИҚ, ДЕГАН ХУЛОСАГА КЕЛИШГАН.



—Таълим сифатини таъминлаш биргина мактаб зиммасига юкланмаслиги керак. Агар ҳамма гап мактабда бўлганида эди, ўқувчиларнинг бари аъло баҳоларга ўқиган бўларди. Бироқ, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Ўқувчиларнинг айримлари мавзунини тез, қолганлари эса анча қийинчилик билан ўзлаштирмоқда. Буни фақат ирсият билан боғлаш мумкин, - дейди Лондон қироллик коллежи ўқитувчиси Роберт Пломин. Ўқоридаги хулосага келишдан олдин олимлар ўқувчиларнинг ёзма ишларини текшириб чиқишган. Баҳолаш жараёнида мутахассислар ўқувчилар даволатининг 55 фоизи ирсиятга, 36 фоизи эса мактабга боғлиқлигини аниқлашди. Энг қизиги, давлатга алоқадор ирсий ҳижат қизларга қараганда ўғил болаларга хослиги маълум бўлган.

Халқаро чой куни

ШУ КУНЛАРДА ДУНЁНИING БИР ҚАТОР МАМЛАКАТЛАРИДА ЧОЙ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА.



Мазкур байрам 2004 йилдан буён декабрь ойи ўрталарида ўтказиб келинади. Айни чоғда халқаро чой куни Ҳиндистон, Шри Ланка, Бангладеш, Непал, Хитой, Вьетнам, Индонезия, Кения, Малайзия, Уганда, Танзания каби мамлакатларда кенг нишонланапти. Маълумки, чой эрамизга қадар тахминан 2737 йили Хитой императори Шен Нунг томонидан кашф қилинган. Ўшанда қирол чой дарахтидан бир нечта барглар узиб, идишга солади ва устидан қайноқ сув қуяди. Шу-шу чой иссиқ ичимлик сифатида севиб истеъмол қилиб келинади. Бугунги кунда чойнинг жуда кўп турлари етиштирилади. Уларни таъми, ранги ва сифатига қараб фарқлаш мумкин.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади

«CONSTELLATION-TRANS» масъулияти чекланган жамиятининг Ўстаби йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.